
"Янги" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Ёшлик", "Шодлик 2" кўчаларининг 6 км. қисмида асфальтлаш жараёни бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан "Янги" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Ёшлик", "Шодлик 2", кўчаларининг 6 км, қисмида асфальтлаш жараёни бошланди. Ҳозирда ушбу кўчаларда шағаллаштириш, текслаш ишлари олиб борилиб, йўллар асфальт ётқизишга тайёрланмоқда.

Бунгача маҳалланинг "Истиқлол", "Ёшлик", "Сурпа", "Кимсанобод" кўчаларида таъмирталаб ҳолатга келиб қолган 1.6 км қисмига шағаллаштириш, дастурлар асосида 3 км ичимлик суви тармоғи тортиш, 2.9 км асфальтлаш, 700 метр цемент-бетон қопламали йўллар ётқизиш, 160 дона бетон таянч устунлари ўрнатиш, 300 метр ёпиқ кабеллар тортиш ишлари амалга оширилди.

2023-02-06 12:52:36